

6-мавзу:

ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШ УСТИДАН ДАВЛАТ НАЗОРАТИ

(8 СОАТ)

РЕЖА:

- 1. Ерларни муҳофаза қилишнинг мазмуни ва тартиби.**
- 2. Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишнинг асосий вазифалари.**
- 3. Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширувчи органлар.**

6-мавзу. 2-маъруза:

ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲАМДА УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ УСТИДАН НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

РЕЖА:

- 1. Ерларни муҳофаза қилишнинг мақсади.**
- 2. Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишнинг асосий вазифалари.**

Маъруза машгулотини ўтиш технологияси

<i>Талабалар сони :100</i>	5-Мавзу, 1-маъруза. 2 соат
<i>Ўқув машгулотининг шакли</i>	Маъруза-ахборот
<i>Машгулотнинг режаси:</i>	1.Ерларни муҳофаза қилишнинг мақсади. 2.Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишнинг асосий вазифалари.
<i>Машгулотнинг мақсади:</i>	Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратининг вазиялари тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш.
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
1.Ерларни муҳофаза қилишнинг мақсади тўғрисида тушунчалар беради. 2. Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишнинг асосий вазифалари.	1.Ерларни муҳофаза қилишнинг мақсади тўғрисида тасаввурга эга бўлади. 2. Ерларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратни амалга оширишнинг асосий вазифалари тўғрисида тасаввурга эга бўлади.
<i>Ўқитиш услуби ва техникаси</i>	намойиш, ақлий ҳужум,
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Доска, топшириқлар, тарқатма материаллар.
<i>Ўқитиш шакли</i>	Фронтал, коллектив иш,
<i>Ўқитиш шарт- шароити</i>	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотиغا кириш 15 дақиқа	<p>Гурухлар давомати назорат қилинади.</p> <p>Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот маъруза -ахборот шаклида олиб борилиши маълум қилинади</p>	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 55 дақиқа	<p>2.1.Мвзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади.</p> <p>2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади.</p> <p>Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади.</p> <p>2..3.Мавзу режалари бўйича хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади.</p> <p>3. Мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади. (1-илова)</p>	<p>Ўқийдилар</p> <p>Тинглайдилар, асосий маълумотларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар</p> <p>Талабалар жавоб берадилар</p>
3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади.</p> <p>Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади. (2-илова)</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Топшириқни ёзиб оладилар</p>

МАВЗУНИ МУСТАҚИЛ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН АДАБИЁТЛАР

Асосий:

1. М.Ҳ. Рустамбоев ва бошқ. Ер ҳуқуқи. дарслик– Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237 б.
2. А.Нигматов. Ер ҳуқуқи. – Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 191б.
3. А.Нигматов. Земельное право. – Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 189 б.
4. Земелное право: Учебник / С.А. Боголюбов, Э.А. Галиновская; Под ред. С.А. Боголюбова – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004.-400 стр.
5. Земельное право республики Узбекистан: Учебник. Под. Ред. М.Х.Рустамбева. –Т.: ТГЮИ, 2007. -214 стр.
- 6.Ерофеев Б.В. Земелное право: Учебник. –М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2005. -348 стр.
- 7.М.Mirzaabdullaeva, A.Muqimov, Z.Xafizova. Yer huquqi, O'quv qo'llanma.-Т.:ТІМІ,2016.-196 б
8. Ben McFarlane,Nicholas Hopkins. Land Law: Text, Cases, and Materials. OUP Oxford, 2012

Қўшимча адабиётлар:


1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Фуқаролик кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекси
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги ПФ-5065,2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199 фармонлари, ВМ нинг 66-сонли қарорига 2-илова “Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисида НИЗОМ ”

Интернет ва Зиёнет сайтлари

1. [http:// www. Lex.uz/;](http://www.Lex.uz/)
2. <http:// zakon. ru>

Ўтилган мавзунини такрорлаш учун саволлар

- 1. Ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тушунчаси нимани англатади ?**
- 2. Ерларни муҳофаза қилишнинг долзарблиги нималарда намоён бўлади?**
- 3. Ерларни муҳофаза қилиш боғлиқ муносабатлар қайси қонунчилик ҳужжатлари меъёрлари билан тартибга солинади?**
- 4. “Ернинг ҳуқуқий муҳофаза қилиш” ва “ ердан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш ” деган тушунчалар ўртасида фарқ борми?**



**Ерни
ҳуқуқий
муҳофаза
қилиш**

ЕК
11-
боб

ердан оқилона фойдаланиш, уни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан асоссиз равишда олинишининг олдини олиш, зарарли антропоген таъсирдан ҳимоя қилиш, шунингдек тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, ўрмон фонди ерларининг самарадорлигини яхшилашга қаратилган ҳуқуқий меъёрлар йиғиндиси

**Ердан
фойдаланиш
ҳуқуқини
ҳимоя қилиш**

ЕК
11-
боб

ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, яъни ердан фойдаланувчиларнинг ер муносабатлари бўйича субъектив ҳуқуқ ваколатларини амалга оширишга тўсқинлик қилишни бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий меъёрлар йиғиндиси

**Erni
xуquqiy
muxофаза
qилиshning
maqсаdi**

Erni xуquqiy muxофаза qилиshning maqsadi xududni oqilona tashkil etish, tuproq unumdorligini, shuningdek erning boshqa xossalari tiklash, erlarni suv va shamol eroziasidan, selardan, suv bosishdan, zaharlashdan, qayta shur bosishdan, qaqrab qolishdan, zaranglashidan, ishlab chiqarish chiqindilari, kimyoviy va radioaktiv moddalar bilan ifloslanishdan ximoya qilib, qishloq xujalik erlarini buta va mayda dovdaraxtlar, evvoyi utlar bosib ketishidan va erlarning madaniy texnikaviy holatini yomonlashtiruvchi boshqa jaraenlardan ximoya etish, erlarni konservatsiya qilib, erning unumdorligini oshirishga qaratilgan buladi.

**Erni
xуquqiy
muxофаза
qилиshning
mazzuni**

Erlarni xуquqiy muxофаза qilib, asosiy mazmuni erdan belgilangan maqsadda, oqilona foydalanish, tuproq unumdorligini, yormon fondi erlarining samaradorligini tiklash va oshirish, qishloq xujalik oiborotidan va alohida muxофаза etiladigan xududlarning erlari tarkibidan erlarni asossiz ravishda olib quyilishining oldini olish, ularni zararli antropogen taъsirdan ximoya qilib, shuningdek xуquqiy, tashkiliy, iqtisodiy, texnologik va boshqa tadbirlar tizimidan iborat.

Нима сабабдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5065 –сонли Фармони қабул қилинди?

ПФ-5065

Кейинги йилларда республикада ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш, таъсирчан назоратни таъминлаш ва ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри соҳасида муносабатларни комплекс тартибга солишда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ер ресурсларини тизимли ҳисобга олиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш, давлат кадастрларини тартибга солиш, Ўзбекистон Республикаси картография фондини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури доирасида ер қонунчилигига риоя этиш юзасидан доимий мониторинг қилиш тизими ишлаб чиқилди ва жорий қилинди, кўчмас мулк объектларини ялпи хатловдан ўтказиш ишлари ташкил этилди, 21 та давлат кадастрларини интеграциялашувини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Миллий **геоахборот** тизимини ташкил этиш ишлари бошланди.

Нима сабабдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5065 –сонли Фармони қабул қилинди?

ПФ-5065

Шу билан бирга, ердан фойдаланиш ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ерлардан фойдаланишда мунтазам давлат назоратини таъминлаш, замонавий технологияларни жорий этиш, шунингдек, ер ресурсларини тизимлаштирилган ҳолда ҳисобга олиш ишлари етарли даражада самарали бўлмаяпти.

Соҳага юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, илмий тадқиқот ишларини тезкор ва самарали амалга оширишда тармоқнинг моддий-техник базаси бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Амалдаги ходимлар сони, айниқса қуйи поғонада, ер ресурсларидан фойдаланишни назорат қилиш ва уларнинг тўлиқ ҳисобини юритиш имконини бермаяпти.

Соҳанинг етакчи хорижий ташкилотлари билан яқин алоқалар ўрнатиш, илғор халқаро тажрибаларни чуқур ўрганиш ва қўллаш, мутахассисларнинг амалиёт ўташлари ва малакаларини оширишни ташкил этишга етарлича эътибор қаратилмаяпти.

Нима сабабдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5065 –сонли Фармони қабул қилинди?

ПФ-5065

Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш юзасидан назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш юзасидан давлат назоратини ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги ишлари қониқарсиз, деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон
Республикаси
Президентининг
5065-сонли
Фармони асосида
ердан
фойдаланиш ва
уни муҳофаза
қилиш устидан
давлат
назоратини
амалга ошириш
қандай
имкониятлар
яратади?**

биринчидан, республикаимиз ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ва қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш

иккинчидан, қишлоқ хўжалиги ерларидан, айниқса, суғориладиган ерлардан бошқа мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш юзасидан қаттиқ назорат ўрнатиш, шунингдек, республика ер фонди ҳисобини юритишни тизимлаштириш

учинчидан, замонавий юқори технологияли техник воситалар ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш

тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа мутахассисларига юкланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш учун қулай шарт-шароитлар яратиш имконини беради

**Ер
қонунчилигидаги
ерни муҳофаза
қилишга
қаратилган
ҳуқуқий
қоидалар асосан
қуйидаги
ҳолатларни
тартибга солади**

**суғориладиган ерларни қишлоқ хўжалигига
мўлжалланмаган мақсадларга беришдан
ҳимоя қилиш**

тупроқни унумдор қатламини сақлаш

тупроқни эрозиядан сақлаш

**ерни захарли агрохимикатлар таъсиридан
ҳимоя қилиш**

ерни ишдан чиқариб қўйишдан

ботқоқланишдан муҳофаза қилиш

ботқоқланишдан муҳофаза қилиш

Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишнинг асосий вазифалари

ЕК 83-модда

Юридик ва жисмоний шахслар, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ерга оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назоратининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амалга оширилади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 55-моддасига мувофиқ ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойлик бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва уларни давлат ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этилишини кафолатлайди. Юқорида кўрсатилган ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ерларни ҳуқуқий муҳофаза қилинишини таъминловчи Олий Мажлис қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси, “Давергеодезкадастр” ва Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини вазифалари муҳим аҳамиятга эга.

Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишнинг асосий вазифалари

ЕК 83-модда

Ерни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ўз олдига уни турли салбий таъсирлар натижасида ишдан чиқармаслик мақсадини қўяди. Бундай салбий таъсирлар ичида тупроқ эрозиясининг таъсири кучлидир. **Эрозия деганда тупроқнинг унумдор қатламининг сув ёки шамол таъсирида емирилиши тушунилади.** Шу сабабдан, тегишли давлат ҳокимият органлари, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар ерларни мелиорациялашлари, ихота дарахтларини ўтказишлари ва эрозияга ҳавфли ҳудудларда тупроқ эрозиясига қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишлари керак. Ушбу чора-тадбирларни бажармаслик эса ер муҳофазаси талабларини бузиш ҳисобланади. Бундан ташқари, ердан фойдаланувчилар ерларни саноат чиқиндилари, оқова сувлар билан ифлослантириш, ерларни талон-тарож қилинишидан ҳимоя қилишлари лозимлиги ер қонунчилигида кўрсатилган.

**Ердан
фойдаланиш ва
уни муҳофаза
қилиш устидан
давлат
назоратининг
амалга ошириш
жараёнида
назорат қилувчи
органлар қандай
ҳуқуқларга эга:**

ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш масалалари юзасидан текширувлар ўтказиш, мазкур масалалар бўйича барча зарур ҳужжатларни ва материалларни олиш, тупрокнинг кадастр маълумотларига мослигини аниқлаш мақсадида тупрокни текшириш

ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган, барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар (ёзма буйруқлар) бериш

айбдор мансабдор шахслар ва фуқароларни маъмурий жавобгарликка тортиш, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича даъволар тақдим этиш, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун тегишли корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдимномалар юбориш

**Ердан
фойдаланиш ва
уни муҳофаза
қилиш устидан
давлат
назоратининг
амалга ошириш
жараёнида
назорат
қилувчи
органлар
қандай
ҳуқуқларга эга:**

ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ер участкаларини олиб қўйиш, шу жумладан ерларни ижарага бериш шартномаларини муддатидан олдин бекор қилиш ҳақидаги, шунингдек ерлардан фойдаланишни чеклаш ва тўхтатиб қўйишга доир материалларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳамда посёлка, кишлоқ ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига тақдим этиш

ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш масалалари бўйича юридик ва жисмоний шахслардан зарур ахборотлар олиш, мазкур масалалар юзасидан давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг хисоботлари ва ахборотларини эшитиш

ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини олиб бориш ишларида катнашиш учун мутахассисларни белгиланган тартибда жалб қилиш

**Ерлардан
фойдаланиш
хамда уларни
мухофаза килиш
устидан давлат
назоратини
амалга оширувчи
давлат органлари
ва мансабдор
шахслар:**

ер участкаларидан белгиланган максатда фойдаланилишини, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан ерларни мухофаза килиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини белгиланган тартибда текширишлари

йўл кўйилаётган камчиликларни бартараф этиш хамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўришлари

ерлардан оқилона фойдаланиш хамда уларни мухофаза килиш билан боғлиқ тадбирлар юзасидан ўз ваколатлари доирасида кўрсатмалар беришлари шарт

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби

ЕК 85-модда

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш борасидаги фаолияти бир йилда кўпи билан бир марта текширилиши мумкин. Агар орган ерлардан оқилона фойдаланмаслик ва уларни муҳофаза қилмаслик сабабларини бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берган бўлса, у белгиланган муддатда мазкур тадбирларни текширишга ҳақлидир.

Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширувчи органлар ва мансабдор шахслар ўз фаолиятларининг тўғри ташкил этилиши ва амалга оширилиши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Суғориладиган ер майдони бўз ерга айланиб қолган ҲОЛАТ



Суғориладиган ер майдони бўз ерга айланиб қолган ҳолат



Чигит билан бирга маккажухори қўшиб экилган ҳолат



Жарқўрғон туманидаги «Халқобод» ММТП худудидаги «Элмурод» пахта-ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжалигининг 664-651-контурларида 3,5 гектар ер майдонларига ноқонуний уй-жой учун бериб юборилган.

ЖАРҚЎРҒОН ТУМАН
ХАЛҚОБОД МАССИВИ
“ЭЛМУРОД” ФЕРМЕР
ХУЖАЛИГИ 664-651
КОНТУРДА 3,5 ГЕКТАР
НОКОНУНИЙ УЙ ЖОЙ



**Жарқўрғон тумани Халқобод массивидаги «Умид» фермер хўжалигининг 538-контурида
0,6 гектар ер майдонида ноқонуний уй-жой қурилган.**

**ЖАРҚЎРҒОН ТУМАН
ХАЛҚОБОД МАССИВИ
“УМИД” ФЕРМЕР
ХУЖАЛИГИ 538 КОНТУРДА
0,6 ГЕКТАР НОКОНУНИЙ
УЙ ЖОЙ**



Бандихон тумани Пахтакор массивидаги Коракосмок фермер хужалиги рахбари томонидан 15 контурда дала четидан 0,05 гектар ноқонуний дала шийпони курган



**Жарқўрғон тумани Халқобод массивидаги «Умид» фермер хўжалигининг 538-контурида
0,6 гектар ер майдонида ноқонуний уй-жой қурилган.**

**ЖАРҚЎРҒОН ТУМАН
ХАЛҚОБОД МАССИВИ
“УМИД” ФЕРМЕР
ХУЖАЛИГИ 538 КОНТУРДА
0,6 ГЕКТАР НОКОНУНИЙ
УЙ ЖОЙ**



Бандихон тумани Пахтакор массивидаги Коракосмок фермер хужалиги рахбари томонидан 15 контурда дала четидан 0,05 гектар ноқонуний дала шийпони курган



Самарқанд вилояти Жомбой тумани Дўстлик ММТП ҳудудида жойлашган “Бердиқул ота” фермер хўжалигига қаршли 0,8 гектар тутзор ноқонуний равишда уй-жой куришга берилган.



Уйга вазифа !!!!!

Ўзбекистон республикасининг қуйидаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлари таркиби ва мазмуни билан танишиш:

1.Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 11 ва 12 боблари моддалари шархлари.

2.Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 2005 йил 16.02.да қабул қилинган 66-сон қарорига 2-ИЛОВА “ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ УСТИДАН ДАВЛАТ НАЗОРАТИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ”

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги 5065-сонли Фармони “ЕРЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ БОРАСИДА НАЗОРАТНИ КУЧАЙТИРИШ, ГЕОДЕЗИЯ ВА КАРТОГРАФИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ ЮРИТИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”.

4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги 5199-сонли Фармони “ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИН МАЙДОНЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”.

5.Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 2018 йил 23.04 да қабул қилинган 299-сон қарори “МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ БИРЛИКЛАР ЧЕГАРАЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ, ЕР РЕСУРСЛАРИНИ ХАТЛОВДАН ЎТКАЗИШ ҲАМДА ЯЙЛОВ ВА ПИЧАНЗОРЛАРДА ГЕОБОТАНИК ТАДҚИҚОТЛАРНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»